

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**Суяров Зокиржон**

Андижон давлат унивкрситети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6526245>

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ва уни тадқиқ этиш методлари ёритилган. Шунингдек, камбағалликни камайтириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг амалий натижаларига тўхтилинган.

АННОТАЦИЯ: В данной статье освещен уровень бедности в Узбекистане и методы ее исследования. Также было уделено внимание проводимым реформам по сокращению бедности и их практическим результатам.

ANNOTATION: this article covers the level of poverty and methods of its research in Uzbekistan. Also touched upon the reforms carried out to reduce poverty and their practical results.

Калит сўзлар: Камбағаллик, қашшоқлик, ислохотлар, камбағаллик даражаси, камбағалликни аниқлаш методлари.

Ключевые слова: бедность, бедность, реформа, уровень бедности, методы определения бедности.

Key words: poverty, poverty, reform, poverty rate, techniques of identifying poverty.

Камбағаллик ва қашшоқлик нима ёки қандай ҳодиса бу масалага инсоният ижтимоий тараққиётининг барча босқичларида долзарб мавзу ва муаммо сифатида қаралган. Камбағаллик ва қашшоқлик энг аввало ижтимоий ҳодиса бўлиб жамиятда юзага келишининг ўзига хос объектив ва субъектив сабабларига эга. Аввало камбағаллик ва қашшоқлик тушунчалари мазмун ва моҳиятини англаш муҳим бўлиб ушбу ижтимоий ҳодиса кенг қамровли фалсафий таҳлил этишни тақозо этади. Кўплаб манбаларда камбағаллик ва қашшоқлик тушунчалари кўп бор тилга олинади. Табиийки бу тушунчалар орасида фарқ борми ёки қандай омил ва сабабларга кўра фарқланади деган савол пайдо



бўлади. Камбағаллик энг аввало инсоннинг ўз социал эҳтиёжларини қондира олмаслиги молиявий жиҳатдан ночорлиги ўзининг инсоний потенциалини жамият ривож ва тараққиёти учун сарфлашга имконияти етарли эмаслигидир. Шунингдек камбағаллик мақбул ҳаёт даражасини тامينлай олмаслиги инсон(шахс)ёки оиланинг ҳаётий зарур эҳтиёжларини етарли эмаслиги сифатида қараш мумкин. Инсон ёки оиланинг турмуш сифати ва ҳаёт даражасини тахлил этиш орқали жамиятдаги камбағаллик даражаси ва ҳолатини аниқлаш имконини беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тарифига кўра инсон (шахс) ҳаёти давомида танлаш ва имкониятга эга эмаслиги, жамият ижтимоий ҳаётида тўлиқ иштирок этиш даражаси йўқлиги, молиявий етишмовчилик, оилани тامينлаш ва боқишдаги қийинчиликлар, молиявий ёрдам ва кредит олиш имконияти чекланганлиги, талим олиш, шифохонада даволаниш, доимий реал иш ўринлари камлиги ва бошқа ижтимоий омиллар камбағалликни юзага келтирувчи сабаблардир. Шунингдек камбағаллик бу инсонлар уй хўжаликлари ва жамоаларининг ижтимоий жиҳатдан чегараланганлиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлик ҳамда ночорлигидир. (БМТ ва Европа иқтисодий комиссиясининг камбағалликни аниқлаш ва ўлчаш бўйича қўлланмаси) 2017 йил Нью Йорк.

Қашшоқлик эса инсоннинг (шахс) ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги шунингдек очлик ва тўйиб овқатланмаслик талим соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа асосий ижтимоий хизматлардан фойдаланишда турли чекловларни мавжудлиги турар жойининг йўқлиги хавфли табиий ва техноген муҳитда ёки ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади. (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутунжаҳон саммитидан) 2017 йил Нью Йорк.

Бугунги глобаллашув жараёнларида камбағаллик муаммоси бутун дунё учун долзарб ижтимоий муаммо сифатида қолмоқда. Дунё иқтисодиётида турли зиддиятлар ва мавхумлик юзага келмоқда. Инсоният турли ижтимоий сиёсий молиявий иқтисодий инқирозларнинг кучайишидан савдо урушлари авж олиши ортидан ўрнатилаётган



чекловлар турли минтақаларда жойлашган жойлашган мамлакатлар иқтисодий ижтимоий тараққиётига салбий тасир кўрсатмоқда.

Ковид 2019 тарқалиши ортидан кузатилаётган глобал пандемия туфайли дунёда ўрнатилаётган чеклов тартиблари ҳам камбаллик ва қашшоқлик даражасини ортишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш чоралари кўриляётган бир пайтда аҳолини камбағал қатламини аниқлаш методларини ишлаб чиқиш ва халқаро тажрибадан унумли фойдаланиш ғоят муҳимдир. Камбағалликни камайтириш дастури ишлаб чиқилиши ва бу дастур халқимиз турмуш тарзи ҳамда фаровонлигини юксалишига хизмат қилиши керак. Энг қашшоқ ва камбағал фуқаросини ҳам эътибордан четда қолдирмай ҳимоя қилувчи давлат кучли ва ижтимоий адолат қарор топган жамият сифатида қаралади. Бундай давлатлар дунёда кўп эмас ва улар асосан эркин бозор муносабатларида яшайдиган юксак фаровонликка эришган мамлакатлардир. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида ҳам уйсизлар, қашшоқлар, ёрдамга муҳтожлар аҳолининг катта қисмини ташкил этади. Халқимизга ҳос юксак фазилатлар синовли дамларда ҳам, инсоният пандемия шароитини бошидан кечираётган бир даврда ҳам юртимизда саховат ва кўмак, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва онгидан чуқур жой олди. “Инсон-жамият-давлат” тамойили асосида ҳар бир инсонга эътибор ва кўмак оиладан, хонадонлардан, маҳаллаларда бошланиб, атрофимиздаги ҳамюртларимизни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига ва мазмунига айланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида 2022 йилни – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили, деб эълон қилиши ортида ҳам халқимиз ҳаётини фаровон ва мазмунли қилиш мақсади ётибди.

Ўзбекистонда чинакам адолат ўрнатиш, халқ фаровонлигини таъминлаш, эҳтиёжмандлар оғирини енгиллаштириш, тараққиёт кушандаси – коррупцияни таг томири билан маҳв этиш йўлида халқчил сиёсат олиб борилмоқда.



Биринчидан, камбағалликни икки баробар қисқартириш мақсад қилиб олинди. Камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилди. Бу ҳақда гап кетганда, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ни, уларга киритилган фуқаролар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда **Учинчи Ренессанс** – миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади. Ўтқир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу – олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, деганидир. Келгусида ҳудудларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивларининг бунёд этилиши, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари изчил давом эттирилиши белгиланаяптики, бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир ижтимоий аҳволга тушган аёлларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш ишига хизмат қилади. Бу каби савобли амаллар, албатта, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Боз устига аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, камбағалликни икки баробар қисқартириш мақсадида Предидентимиз ташаббуси билан Ҳокимларнинг маҳалалардаги ёрдамчилари институти жорий этилди. 2022- йилдан 9 минг 309 нафар “ҳоким ёрдамчилари” иш бошлади. Янги тизимга масъул бўлган Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолияти ташкил этилиб, барча ташкилий масалалар ўз вақтида ҳал этилди. Эндиликда мутасаддилар маҳаллада ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиб, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга шахсан масъул бўлиши белгилаб қўйилди.



Ҳозирги вақтда global ижтимоий хавф-бу аҳолининг қашшоқлашиши хавфи. Ишсизлик, иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик, ҳақиқий бўлмаган умидлар, режаларнинг қулаши аҳолининг маргинализация жараёнини кучайтиради. Қашшоқлик ҳолати жамиятнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва шунинг учун ривожланишига имкон бермайди. Шунинг учун у ижтимоий ривожланишдаги регрессия билан боғлиқ. Қашшоқлик Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёти учун долзарб муаммодир.¹

Жамиятда аҳолининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш борасидаги ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган тарғибот ишларини амалга оширилмоқда.²

Энг аввало, ишлаш имконияти ва хоҳиши бор, лекин шароити оғир оилаларни ўқитиш ва ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит, субсидия ёки деҳқон хўжалиги учун уларга ер майдонлари ажратиш йўлга қўйилади. Ҳоким ёрдамчилари аҳоли билан ҳар куни ишлаб, уларга мавжуд шароитларни етказиши, тадбиркорлик ва деҳқончиликка ўргатиш орқали камбағалликдан чиқариши юзасидан топшириқлар берилди. Ушбу мақсадлар учун жорий йилда 10 триллион сўм имтиёзли кредит ва 2,5 триллион сўм субсидия (ҳар бир маҳаллага ўртача 1,3 миллиард сўм) ажратилади. Бугунги пандемия шароитида энг иқтисодий ривожланган давлатлар ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимоясига етарли маблағ тополмай турган бир пайтда Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” тамойили асосида миллиардлаб маблағларнинг халқ фаровонлиги йўлида ажратилаётгани, ҳеч бир инсоннинг эътибордан четда қолмаётгани мамлакатимизнинг қудратли, салоҳиятли давлат эканидан далолат беради. Кўрилаётган чора-тадбирлардан мақсад – жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни камайтириш ва оилалар реал даромадини кўпайтиришдан иборат. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади халқни рози қилиш концепциясининг амалий

¹ Суяров, З. Э. (2021). СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ БЕДНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 1175-1182.

² Амирхўжаев, Ш., & Ғуломжонов, О. Р. Ў. (2021). БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Scientific progress*, 1(6).



кўринишидир. Кишининг комил саодатга эришиши учун эса аввало халқ фаровон бўлиши керак. Халқ фаровон бўлиши учун оила бахтли ва тامينланган бўлиши муҳим. Инсонда эзгулик бўлиши учун унинг қалби тоза бўлиши шарт. Чунки инсоннинг хазинаси айнан ўз қалбидадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Суяров, З. Э. (2021). СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ БЕДНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 1175-1182.
2. Амирхўжаев, Ш., & Ғуломжонов, О. Р. Ў. (2021). БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Scientific progress*, 1(6).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил, январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 25.09.2020 й.
5. 2021 йил 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи.
6. БМТга Европа иқтисодий комиссиясининг камбағалликни аниқлаш ва ўлчаш бўйича қўлланмаси. 2017 йил Нью Йорк.